

12-МАВЗУ. ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТ ВА УНИНГ ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ

Мавзу саволлари:

1. Демографик ривожланишнинг моҳияти.
2. Демографик ҳолатни баҳолаш кўрсаткичлари.
3. Аҳолининг такрор барпо бўлиши ва унинг асосий турлари.
4. Аҳолининг табиий ва механик ўсиши.
1. Оиланинг вазифалари, таркиби ва турлари. Замонавий оила трансформацияси.
2. Демографик сиёсатнинг моҳияти ва уни ўтказиш услублари.
3. Туғилиш ва оила соҳасида демографик сиёсат.
4. Ўлим ҳолатини қисқартириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш соҳасидаги сиёсат.

12.1. Демографик ривожланишнинг моҳияти

Ҳар бир мамлакатдаги демографик вазият иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатади. Туғилиш даражасининг ўсиши муайян вақтдан сўнг меҳнат бозорида иш билан бандлик тегишли равишда ўзгаришига ҳамда давлат бюджетининг ижтимоий эҳтиёжларга харажатлари даражасига, шунингдек таълим ва соғлиқни сақлаш тизими амал этишига ўз таъсирини кўрсатади. Демографик тенденцияларнинг ўзгариши ва инсонни ривожлантириш – ўзаро боғлиқ жараёнлардир.

Демография (кўхна юнонча “δῆμος” — “халқ” ва “γῶφο” — “ёзаман” сўзларидан) — аҳоли такрор ҳосил қилиниши қонуниятлари, унинг ижтимоий-иқтисодий, табиий шароитлар, миграцияга боғлиқлиги, аҳолининг сони, уларнинг ҳудудларда жойлашиши, таркиби, ўзгариши, сабаблари ва мазкур ўзгаришлар оқибатлари тўғрисидаги фандир.

Демографик вазият мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён ҳисобланади. У аҳолининг табиий ўсиши, миллий ва ижтимоий таркиби, миграцияси, меҳнат ресурслари ва уларнинг иш билан бандлиги каби категорияларни мужассамлаштиради.

Демографиянинг предмети аҳолини табиий такрор ҳосил қилиш қонунидир. Умуман олганда, демографиянинг фан сифатида унга муҳим вазифаси ажратиб кўрсатилади:

- демографик жараёнлар тенденциялари ва омилларини ўрганиш;
- демографик прогнозларни ишлаб чиқариш;
- демография соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш.

Демографи фани узок вақт давомида амалий эҳтиёжларга мувофиқ аҳоли тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ва талқин этиш билан шуғулланиб келган. Демографиянинг ушбу функцияларини бажариши жараёнида унинг тадқиқот усуллари муттасил такоммилашиб борди.

“Демография” атамаси биринчи бор француз олими А. Гийярнинг “Инсон статистикаси унсурлари ёки таққослама демография” (A. Guillard, “*Éléments de statistique humaine ou Démographie comparée*”, 1855) китоби номида пайдо бўлди. Муаллиф демографияга кенг маънода – “инсон зотининг табиий ва ижтимоий тарихи” ёки *торроқ маънода* – “аҳоли, унинг умумий ҳаракати, жисмоний, фуқаролик, интеллектуал ва ахлоқ ҳолатини математик англаш” сифатида қараган.

“Демография” атамаси 1882 йилда Женевада бўлиб ўтган Гигиена ва демография бўйича халқаро конгресс номланишида расмий эътироф этилди.

Қадимий даврлардаёқ аҳолини рўйхатга олиш зарурати туғилган. Кўхна Греция, Рим, Хитойда, кейинчалик Ўрта асрларда аҳолишунослик тўғрисидаги билимлар ва тассавурлар мавҳум, тизимсиз бўлганлиги тушунарлидир. Айрим мамлакатларда оилалар, туғилишни тартибга солишга ҳаракат қилиб кўрилган. Ўша даврлардаёқ мутафаккирлар аҳоли сони билан инсон ривожланиши ўртасидаги алоқадорликка эътибор қаратганлар.

Конфуций (милоддан илгари тахминан 551-479 йиллар) ишлов бериладиган экин майдонлари билан аҳоли сони ўртасидаги энг мақбул нисбатни аниқлашга ҳаракат қилиб кўрган. Унинг фикрича, бу нисбатнинг бузилиши қуйидаги сабабларга олиб келиши мумкин бўлган:

- аҳоли сони кам бўлса, экинзорларга ишлов бериш ёмонлашади ва дехқонлар солиқ тўлашдан бош тартади;

- аҳоли ниҳоятда зич бўлса, одамларнинг қашшоқлашиши, бекорчиларнинг кўпайиши сабабли ижтимоий муаммолар кучаяди.

Бундан аҳоли сони давлат томонидан тартибга солиниши кераклиги ҳамда одамларни аҳоли зич минтақалардан аҳоли кам бўлган ҳудудларга кўчириш масаласини ҳал қилиш талаб этилиши каби хулосалар чиқарилган.

Платон (милоддан аввалги 428-347 йиллар) идеал давлат тўғрисидаги таълимотида эркин фуқароси 5040 нафар бўлган давлат ана шундай моделга жавоб беришини кўрсатган. У никоҳ муносабатларида ҳам муайян тартиб ўрнатишни таклиф этган, жумладан эркаклар фақат 30 ёшдан 55 ёшгача фарзанд кўриши мақсадга мувофиқлигини асослаган. Платон шундай ёзади: “никоҳлар сонини белгилашни ҳамда уруш, касалланиш ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда эркаклар сони имконият даражасида муқим бўлиши, давлат имконияти борича катталашмаслиги ҳам, кичиклашмаслиги ҳам чораларини кўришни ҳукмдорлардан сўраймиз”.

Аристотель (милоддан аввалги 384-322 йиллар) ҳам эркин фуқаролари камсонли бўлган давлатни идеал деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, фуқаролар сонининг кам бўлиши ижтимоий уйғунликни таъминлайди, аҳоли ҳаддан ташқари кўп бўлганда эса бунга эришиш мумкин эмас. Аҳолининг ортиқчалиги улар томонидан эътирозлар билдирилиши ҳамда жиноятлар сони кўпайишига сабаб бўлади. Шу билан бирга оҳоли кўпайса, фуқароларнинг бир қисми ерга эга бўлмасдан қашшоқлашади.

Демографиянинг фан сифатда чинакам шаклланиши XVII аср иккинчи ярмига тўғри келади. Ана шу вақтда капитализмнинг ривожланиши аҳолишуносликни ўрганишга доимий эҳтиёж туғдирди.

Тарихан олиб қаралганда демографияда илмий ўрганишнинг биринчи объекти одамлар ўртасидаги ўлим бўлди. Авлодлар ўлими ҳақидаги билимлар умр кўриш давомийлигини (туғилиш даражаси муқим бўлса, аҳоли сони ҳам барқарор бўлади) аниқлаш ҳамда ҳаётни суғурталашда умр кўриш давомийлигига боғлиқ равишда суғурта тўловлари миқдорини ҳисоблаб чиқиш имконини берарди.

XVIII асрда айрим мамлакатларда вафот этганлар ва туғилганлар ҳамда аҳоли сонини аниқлашга дастлабки уринишлар кузатилди.

XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошида АҚШда аҳолини рўйхатга олишнинг замонавий усулига асос солинди, 1790 йилда аҳолини жорий ҳисобга олиш йўлга қўйилди. Демографияда аҳолини такрор ҳосил қилиш тадқиқотларнинг марказий объектига айланди.

Аҳолини такрор ҳосил қилиш – аҳолининг табиий ҳаракати натижасида авлодларнинг армашинишидир. Аҳолини такрор ҳосил қилиш туғилиш ва ўлимлар сонига қараб аниқланади. Демографик жамланма кўрсаткичлар ўзгаришига мувофиқ, аҳоли такрор ҳосил қилинишининг уч асосий тарихий турини ажратиш мумкин.

Улардан биринчиси – *аҳолини такрор ҳосил қилишнинг қадимий туридир*. У ибтидоий жамият учун хос бўлган ва ҳозирги пайтда учрамайди.

Аҳоли такрор ҳосил қилинишининг иккинчи тури – “*анъанавий*” ёки “*патриархал*” *такрор ҳосил қилиш туридир*. У аграр жамиятда ҳамда индустриал жамиятнинг илк боқичларида устунлик қилган. Туғилиш ва ўлим даражаси юқорилиги, ўртача умр кўриш давомийлигининг пастлиги бу турнинг асосий белгиларидир.

Кўпболалик анъанавий одат бўлиб, у аграр жамиятда оила яхши амал этишига кўмаклашади. Ўлим даражасининг юқорилиги эса одамлар турмуш даражаси пастлиги, меҳнатнинг оғирлиги, тўйиб овқатланмаслик, тиббиётнинг зарур даражада ривожланмаганлиги оқибатидир. Такрор ҳосил қилишнинг бундай тури ривожланиш даражаси паст бўлган Нигерия, Бангладеш ва айниқса Эфиопия учун хосдир. Эфиопияда туғилиш даражаси - 45,0%, ўлим эса – 20,0 % ни, умр кўришнинг ўртача давомийлиги атиги 43 йилни ташкил этади.

Ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигида (Мексика, Бразилия, Филиппин ва бошқалар) кейинги 10 йилликда такрор ҳосил қилишнинг “анъанавий” тури жиддий равишда ўзгарди. Ушбу мамлакатларда тиббиётдаги муваффақиятлар туфайли ўлим даражаси 6,0 % – 10,0 % гача пасайди, лекин туғилишнинг анъанавий ҳисобланган юқори даражаси асосан сақланиб турибди. Натижада ушбу давлатларда аҳолининг табиий ўсиши

юқори – йилига 2,5 – 3,0 % ни ташкил этади. Аҳолини такрор ҳосил қилишнинг бевосита ана шу - “ўтиш” тури XX аср охирида жаҳонда аҳоли сони ўсиши суръатлари юқори бўлишини таъминлади.

Аҳолини такрор ҳосил қилишнинг “замонавий” ёки “оқилона” тури туғилиш даражаси пастлиги, ўлим даражасининг ўртачалиги, аҳолининг табиий ўсиши нисбатан камлиги ва умр кўриш ўртача давомийлигининг юқорилиги хусусиятларига эгадир. Мазкур тур аҳолининг турмуш даражаси ва маданияти юқорироқ бўлган, иқтисодий жихатдан ривожланган давлатлар учун хосдир. Ушбу мамлакатлардаги туғилиш даражасининг пастлиги оилани онгли тартибга солиш билан узвий боғлиқдир. Ўлим даражасига эса аҳоли таркибида катта ёшдагилар салмоғининг юқорилиги таъсир кўрсатади.

Кейинги ярим аср мобайнида демографияни умумий ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий омиллари нуқтаи назаридан ўрганишга эътибор ортмоқда.

Демографияда *жамланма бирлик – инсондир*. Бу бирликнинг белгилари кўп – жинс, ёш, оилавий аҳвол, таълим даражаси, машғулот тури, миллат ва ҳоказолар. Ушбу белгилар инсон умри давомида ўзгариб боради. Шунинг учун аҳоли миқдорида одамларнинг ёш, жинс таркиби, оилавий аҳвол каби хусусиятлар мужассамлашган. Ҳар бир одам ҳаётидаги ўзгаришлар аҳоли таркибидаги ўзгаришларга ҳам олиб келади. Ушбу ўзгаришлар жамланма ҳолида аҳолининг ҳаракатини ташкил этади.

Аҳоли сони ўсишининг умумий хусусиятини табиий ўсиш белгилайди. Мазкур кўрсаткич туғилганлар билан ўлганлар сони ўртасидаги фарқнинг мутлақ миқдори сифатида ифодаланади. Аҳоли табиий ўсишининг юқори суръатлари, агар бу жараён ўлим даражаси паст шароитларда кечаётган бўлса, қулай демографик вазият сифатида баҳоланади. Бироқ қатор мамлакатларда туғилиш тартибга солинмаслиги оқибатида демографик вазият кескинлашади. Бунда демографик инқирознинг турли белгилари – болалар ва оналар ўлими даражасининг юқорилиги, аҳоли саломатлиги кўрсаткичларининг пастлиги, умр кўриш ўртача давомийлигининг камайиши ва ҳоказолар пайдо бўлади.

Одатда аҳоли ҳаракати уч гуруҳга тасдиқланади:

- *табиий ҳаракат* – бу туғилиш, ўлим сонини қамраб олиб, мазкур вазиятларни ўрганиш бевосита демография ваколатидадир;

- *механик ҳаракат (миграция)* – бу аҳолининг ҳудудлар бўйича ҳаракатланишларининг барча турлари жамланмасидир. Мазкур жараён пировард натижада аҳолининг жойлашиши, зичлиги, мавсумий ва тебранувчан ҳаракатчанлиги хусусиятларини белгилайди;

- *ижтимоий ҳаракат* – бу одамларнинг бир ижтимоий гуруҳдан иккинчисига кўчиб ўтишидир. Ушбу ҳаракат тури аҳоли ижтимоий таркиби такрор ҳосил қилинишини белгилайди.

Миграция ва такрор ҳосил қилиш жараёнлари ўртасида узвий алоқадорлик мавжуддир. Миграция кўчиб юрган одамлар оммасининг туғилиши, никоҳда бўлиши, саломатлиги ва ўлимига таъсир кўрсатади. Ана шу сифатда у аҳолини такрор ҳосил қилишнинг омилларидан бирига айланади. Бироқ миграция жараёнларида жўғрофий ва иқтисодий омилларнинг (табиий шароитлар, иқлим, иқтисодий ривожланиш даражаси, ижтимоий инфратузилма ва ҳоказолар) роли такрор ҳосил қилишни кига қараганда анча сезиларлидир. Аҳолининг миграцияси – бу, энг аввало иш кучининг миграциясидир.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳамда Миграция бўйича халқаро ташкилот меҳнат мигрантларига аҳолининг ўзи истиқомат қиладиган мамлакат бир ҳудудидан иккинчисига ёки бошқа мамлакатга кўчиб бориб, меҳнат фаолияти билан машғул бўлиш таърифини беради. Хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1949 йил 1 июлдаги “Кўчманчи меҳнаткашлар тўғрисида”ги 97-Конвенциясига мувофиқ: “кўчманчи меҳнаткаш ишлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчувчи шахсни англатади”¹.


Халқаро Меҳнат Ташкилоти меҳнат миграциясининг қуйидаги асосий турларини ажратиб кўрсатади:

- *шартнома асосида ишловчилар*. Бу ҳолда мигрантларни қабул қилувчи давлат томонидан уларнинг мазкур мамлакатда бўлиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилади.

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. –Т. Адолат. 2004. -149 б.

Миграциянинг бу тури асосан иш кучини мавсумий (масалан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш) ишларга жалб қилиш билан боғлиқдир;

- *малакали кадрлар миграцияси*. Бунга юқори малакали мутахассислар ёки ишчиларни имтиёзли тартибда (юқори иш ҳақи, бошқа имтиёзлар ҳисобига) ишга таклиф қилиниши мисол бўла олади;



12.1-расм. Мехнат миграцияси таснифи²

- *ноқонуний миграция*. Бу ноқонуний равишда бошқа мамлакатларда меҳнат фаолияти билан шуғулланишдир;

- *қочоқлар*. Булар тоифасига ҳаёти хавф остида қолиши оқибатида бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлганлар киради;

- *кўчманчилар*. Улар доимий яшаш учун бошқа жойга кўчиб борганлардир.

Худуд бўйича ички ва ташқи миграция фарқланади. *Ички меҳнат миграцияси* бир мамлакат микёсида, минтақалар, туман ва шаҳарлар ўртасида бўлади. *Ташқи меҳнат миграцияси* дейилганда иш кучининг бир давлатдан бошқа давлатга кўчиб ўтиши тушунилади. У қуйидаги хусусиятларга эгадир:

- ривожланаётган давлатлардан ривожланган давлатларга меҳнат миграцияси;
- ривожланган мамлакатлар ўртасида меҳнат миграцияси;
- ривожланаётган мамлакатлар ўртасида меҳнат миграцияси.

Малака бўйича юқори малакали ҳамда паст малакали иш кучи миграцияси фарқланади.

Меҳнат миграцияси *давомийлигига* қараб:

- *доимий ёки узоқ муддатга* мўлжалланган (бошқа мамлакатга доимий кўчиб кетиш ёки қишлоқ жойларидан шаҳарга доимий яшашга кўчиб кетиш);

- *вақтинчалик* (масалан, шартнома асосида бошқа мамлакатга муаяйн даврга ишлаш учун бориш);

- *мавсумий* (масалан, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш);

² Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. –Т.: Меҳнат. 2009. -254-255 б.

- *тебранувчан* (иш кучининг бир худуддан иккинчисига, масалан қишлоқ жойларидан шаҳарларга мунтазам қатнаб ишлаши).

Меҳнат миграцияси, шунингдек, *қонун жиҳатидан қонуний*, яъни мамлакатда амал қилаётган қонунчилик, халқаро ҳуқуқ нормалари, давлатлараро ҳуқуқий битимлар асосида ҳамда *ноқонуний* бўлиши мумкин.

Меҳнат миграциясида иш кучи ҳаракатчанлиги мезони ҳам ҳисобга олинади. *Иш кучи ҳаракатчанлиги* меҳнатга лаёқатли аҳолининг муайян турдаги меҳнат фаолиятини муайян жойда бажаришга қодирлиги ва тайёрлиги билан белгиланади. Унинг ижтимоий-касбий ва ҳудудий хусусиятлари мавжуддир. Мазкур жиҳатларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Иш кучи кўчишининг зарурати омиллари. Уларга ижтимоий-касбий ҳаракатчанликда иш ҳақи, меҳнат шарт-шароити ва мазмуни, иш вақти, хизмат соҳасида кўтарилиш эҳтимоли билан белгиланса, ҳудудий ҳаракатчанлик турмуш даражаси, ижтимоий инфратузилма, турар жой шароитларини яхшилаш имкониятлари билан боғлиқ бўлади.

2. Янги иш жойининг мақбуллиги омиллари юқорида қайд этилганлар қатори қилинган сарфлардан янги иш жойида фойдаланиш ҳамда турар жойни алмаштириш имкониятларини ҳам қамраб олади.

3. Бу гуруҳ омиллари имконияти ҳаракатчанликнинг осонлиги билан белгиланади. Бунда ижтимоий-касбий ҳаракатчанликда ходим малакаси, тажрибаси, ёши ва бошқа хусусиятлари ҳамда янги иш жойига жойлашишнинг осонлиги асосий роль ўйнаса, ҳудудий ҳаракатчанликда улар қатори кўчиб ўтиш ҳаражатлари ҳам аҳамиятга эгадир.

4. Мазкур гуруҳ омиллари ижтимоий-касбий ҳаракатчанликда бўш иш ўринлари тўғрисидаги ахборотлар мавжудлиги, уларнинг ишончлилиги, ахборот олиш қиймати билан белгиланса, ҳудудий ҳаракатчанликка кўчиб бориладиган жойлар тўғрисидаги ахборотлар ҳамда уларнинг қиймати муҳим ҳисобланади.

Меҳнат миграциясида *донор мамлакатлар* (иш кучини экспорт қилувчилар) ҳамда *рецепиент мамлакатлар* (иш кучини импорт қилувчилар) фарқланади. Умуман олганда меҳнат миграцияси рецепиент мамлакатнинг иш кучига бўлган эҳтиёжини таъминлайди, донор мамлакатларда эса иқтисодий фаол аҳолини эса иш билан бандлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Меҳнат миграцияси донор мамлакатлар иқтисодига қуйидагича ижобий таъсир кўрсатади:

- иш кучи экспорти мамлакат меҳнат бозоридаги вазиятни яхшилайти, яъни иш кучи миграцияси натижасида ортиқча меҳнат ресурслари сони камайти. Бу, айниқса, аҳолиси зич мамлакатлар (Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Туркия, Покистон)га ижобий таъсир ўтказади;

- иш кучи экспорти донор мамлакатлар фуқароларига рецепиент давлатларда янги замонавий мутахассисликларни ўзлаштириш, ўз малакаларини ошириш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини беради;

- иш кучи экспорти донор мамлакатларга қўшимча валюта кириб келиши ҳамда эмигрант ходимлар оила аъзолари турмуш даражасини ошириш манбаи ҳисобланади;

- донор мамлакатлар ўз фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланадиган фирмалардан давлат бюджетига солиқ ундиради.

Шу билан бир қаторда иш кучи миграциясининг донор мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсири ҳам мавжуддир. Улар қуйидагилардан иборат:

- иш кучини экспорт қиладиган мамлакатлар ўз меҳнат ресурслари, меҳнатга лаёқатли иқтисодий фаол аҳоли маълум қисмидан ажраладилар;

- донор мамлакатлар иммигрант ишчиларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун сарфлаган маблағлари реципиент давлатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадларида фойдаланилади;

- юқори малакали ва меҳнат бозорида ғоят рақобатбардош иш кучи экспорти донор мамлакатлар ишлаб чиқаришининг муҳим тармоқларида юқори малакали кадрлар тақчиллигига олиб келиши мумкин.

Иш кучи миграцияси реципиент мамлакатлар иқтисодиётига қуйидаги ижобий самара келтиради:

- хориждан иш кучининг кириб келиши юқори даражадаги сафарбарликни таъминлаб, иқтисодиёт таркибидаги муайян тармоқларни жадал ривожлантиришга хизмат қилади;

- иш кучи миграцияси реципиент мамлакатларнинг кадрлар тайёрлаш учун ҳаражатларини тежаш имконини беради;

- иммигрантлар ички бозорни ривожлантиради, чунки улар товар ва хизматларга талабни оширадилар;

- иш кучи импорти реципиент мамлакатлар компания ва фирмаларнинг бозордаги рақобатбардошлигини оширади, чунки арзон иш кучи кириб келиши натижасида ишлаб чиқариш ҳаражатлари тежаллади;

- иммигрантларнинг вақтинчалик бўш маблағларидан реципиент мамлакатлар иқтисодиётини молиялаштириш учун фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Меҳнат миграциясининг реципиент давлатлар учун ҳам салбий томонлари мавжуддир. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг хориж иш кучига қарамлиги ортади;

- ички иш кучининг маҳаллий меҳнат бозоридаги баҳоси пасаяди ҳамда хориж иш кучининг таклифи ортади.

Шунинг учун ҳар бир давлат ўз миграция сиёсатини амалга оширади. Жумладан, қатор давлатлардан хориж иш кучи сифатига – уларнинг маълумоти, касб-малакаси, иш стажига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, Австралияда иммигрантлар ишга қабул қилиниши учун ўз мутахассислиги бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлишлари керак.

Иш кучини импорт қилаётган мамлакатлар ёш бўйича ҳам муайян талаблар кўядилар. Меҳнат мигрантлари асосан 20-40 ёшда бўлишлари талаб этилади. Шу билан бирга хорижлик ишчилар, жумладан, Швеция ва Норвегияда тиббий кўрикдан ўтказилиб, ишга қабул қилинади.

Турли давлатларда иш кучи миқдорига квоталар белгиланади ёки молиявий ва вақт чекловлари ўрнатилади. Масалан, Грецияда грек миллатига мансуб бўлмаган ходимларни ишга ёллашда чекловлар ўрнатилган. Ирландияда эса меҳнат фаолиятини бошлаш учун мигрантлар муайян миқдорда маблағ тўлашлари талаб этилади. Иш кучини қабул қилиб олувчи давлатлар меҳнат фаолияти давомийлигини ҳам белгилайдилар.

Миграция, одатда, меҳнат фаолиятини инсон капиталининг баҳоси юқори бўлган соҳаларга кўчиришга кўмаклашади. Америкалик иқтисодчилар Р.Ж. Эренберг ва Р.С. Смит аҳоли имкониятлар ёмон бўлган минтақалардан имкониятлар яхши бўлган минтақаларга кўчиб ўтади деган хулосага келган. Ушбу жараёнда кўчиб ўтиш тўғрисида қарор қабул қилишга муҳожирнинг ёши ва таълим даражаси катта роль ўйнайди. Меҳнатга лояқатли ёшларнинг миграция фаоллигининг энг юқорилиги уларнинг миграциядан манфаат олишлари учун вақтлари кўплиги билан изоҳланади³.

Сўнгги пайтда меҳнат миграциясини таҳлил этишда инсон капиталининг мамлакат иқтисодий ўсишининг *эндоген омил*ини тадқиқ этишга эътибор кучайди. Бундай ёндашув тарафдорлари (Р. Лукас, П. Ромер ва бошқалар) жамланган инсон салоҳияти иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омил, халқаро иқтисодий миграция мамлакатлар ўртасида иқтисодий ўсиш суръатларидаги фарқлар натижасидир деган хулосага келганлар. Бунда иқтисодий ўсиш суръатларини оширишнинг эндоген механизми сифатида инсон капиталининг жамланиши намоён бўлади. Халқаро меҳнат миграцияси муҳожирларда инсон капитали жамғарилишига ёрдам беради.

Аҳолини ҳисобга олиш статистикасида қуйидаги категориялар фарқланади:

- *мавжуд аҳоли* – ҳисобга олиш пайтида мазкур аҳоли пунктида доимий яшаш жойидан қатъи назар мавжуд бўлган аҳоли қисми;


³ Эренберг Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная практика. – М.: МГУ, 1996. - С.338, 367.

- *доимий аҳоли* – ҳисобга олиш пайтида амалда қаерда бўлганидан қатъи назар мазкур аҳоли пунктида доимий яшайдиган аҳоли қисми;
- *вақтинча йўқлар* – ҳисобга олиш пайтида доимий яшаш жойида вақтинча йўқ бўлган (6 ойдан кўп бўлмаган даврда) шахслар;
- *вақтинча борлар* – ҳисобга олиш пайтида мазкур аҳоли пунктида вақтинча бор бўлган (6 ойдан кўп бўлмаган муддатда) шахслар.

Аҳоли сифати – аҳолининг ижтимоий ҳаёт кечириши, ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида характерлайдиган категориядир. Яъни бу аҳолининг таркиб топган табиий, техникавий, иқтисодий, ижтимоий-маданий шароитларга муносабати ҳамда ушбу шароитларни ўзларининг ўзгариб борадиган эҳтиёжларига мослаштириш қобилиятидир. Аҳоли хусусияти (туғилиш, ўлим, таълим, малака даражаси ва ҳоказолар) миқдор жиҳатидан ўзгариб боради. Аҳолининг сифат хусусиятларини, энг аввало, таълим ва саломатлигини яхшилаш аҳоли тақрор ҳосил қилиниши тежамкорлигини, яъни аҳоли сонини сақлаб туриш аҳоли сони ва унинг ўсиши суръатларини ўлим ва туғилишнинг мутлақ сони қисқарганда ҳам сақлаб туриш имконини беради.

12.2. Демографик ҳолатни баҳолаш кўрсаткичлари

Ер юзидаги аҳоли жаҳонда яшаётган одамлар тақрор ҳосил қилинишининг муттасил жараёнидир. I асрда ер юзида 300 миллион киши яшарди. 2011 йил ўрталарига келиб эса жаҳондаги аҳоли сони 7 миллиардга етди. Прогнозларга кўра 2050 йилга бориб ер юзидаги аҳоли сони 9,1 миллиард кишига етади (12.2-расм).



6.712.2-расм. Ер юзи аҳолиси ортишининг динамикаси (млн. киши ҳисобида)

Олимларнинг тақиқотлари кейинги 6000 йил давомида (XX асрнинг 60-70-йилларигача) Ер юзидаги аҳоли сони ўсишининг гиперболик мутлақ суръатлари тенденцияси кузатилганлигидан далолат беради. 1960– йиллардан бошлаб эса жаҳон аҳолиси сони ортишнинг нисбий суръатлари пасая бошлади. 1989 йилдан жаҳон аҳолиси сони ўсишининг мутлақ суръатлари ҳам камайди. Буни глобал демографик ўтишнинг мантиқий натижаси дейиши мумкин.

Аҳоли умумий сонини ҳисоблаб чиқишда демографик баланс тенгламасидан фойдаланилади:

$$P = P_0 + (N - M) + (V_+ - V_-) = P_0 + E + V_{np},$$

- бунда: P — аҳолининг умумий сони;
 P_0 — йил бошидаги аҳоли сони;
 N — туғилганларнинг умумий сони;
 M — ўлганларнинг умумий сони;
 E — аҳолининг табиий ўсиши;

V_+ — кўчиб келганлар сони;

V_- — кўчиб кетганлар сони.

Аҳоли сонининг умумий ўсиши эс қуйидагича ҳисоблаб чиқилади :

$$P_1 - P_0 = P_{np},$$

бунда: P_0 — давр бошида (одатда йил) аҳоли сони;

P_1 — даврохирида аҳоли сони.

Аҳолининг табиий ўсиши тенгламаси қуйидагичадир:

$$N - M = E,$$

бунда: N — туғилганларнинг умумий сони;

M — ўлганларнинг умумий сони.

Демографик сиёсат аҳолини такрор ҳосил қилишни тартибга солиш, унинг энг мақбул миқдор ва сифат хусусиятларига эришишга йўналтирилган чораларни назарда тутати. Амалда бу соғлом авлодни такрор қилишни билдиради. Демографик ривожланиш дастурлари комплекс хусусиятга эга бўлиши ижтимоий ҳаёт омилларининг кенг доирасини қамраб олиши, демографик жараёнларнинг оқибатларини ҳисобга олиши керак. Шунинг учун жаҳон аҳолисининг муаммолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий диққат марказидадир. БМТ аҳолишунослик, шу жумладан демографик, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ўзаро муносабати муаммолари соҳасида тадқиқотлар олиб боради, давлатларга демографик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашади, аҳолишуносликнинг турли масалалари бўйича умумжаҳон конференцияларини ўтказди.

Жумладан, 1994 йилда Қоҳирада бўлиб ўтган Аҳолишунослик бўйича умумжаҳон конференциясида кенг қамровли 20 йиллик Ҳаракат дастури қабул қилинди. Мазкур дастурда аҳолишунослик, иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш ўртасида ўзаро боғлиқка эришишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга эркаклар ва аёлларнинг тенглиги ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, репродуктив ҳуқуқ ва саломатлик муаммоларини ҳал этиш вазифалари белгиланган. Қоҳира Ҳаракат дастури, унинг мақсад ва вазифалари аҳолини ривожлантириш, халқлар турмуш даражаси ва турмуш сифатини оширишга қаратилган миллий дастурларни ишлаб чиқиш учун асос вазифасини ўтади.

2000 йилда бўлиб ўтган Мингйиллик Саммитида БМТ томонидан қабул қилинган Мингйиллик ривожланиш мақсадлари Аҳолишунослик бўйича халқаро конференция қарорларини амалга ошириш юзасидан эришилган дастлабки натижаларга асосланган.

12.3. Ўзбекистонда аҳолининг демографик ривожланиши

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўзига хос демографик вазият вужудга келди ва у аҳоли ўсиш суръатининг пасайиши, туғилишнинг камайиши, аҳолининг ёш таркибида кекса ёшдагилар улушининг ортиши, ёшлар салмоғининг камайиши, шу билан бир вақтда ўрта ёшдаги аҳоли сонининг кўпайишида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида қуйидагиларни таъкидлади: "...қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди"⁴.

2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда аҳоли сони 28453,7 минг кишини ташкил қилган. Аҳолининг умумий сонига кўра Ўзбекистон жаҳоннинг 230 мамлакати орасида 43, Осиёда эса 18-ўринда туради. Марказий Осиё республикалари жами аҳолисининг 45,0 % Ўзбекистон ҳудудида истикомат қилади.

Мустақиллик йилларида (1991-2010 йиллар) Ўзбекистон аҳолисининг сони 7,4 млн. кишига, яъни йилига ўртача 389,1 минг кишидан кўпайди. Ўтган қарийб 20 йил мобайнида

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь.

республикада аҳоли сони – 1,35, шаҳар аҳолиси – 1,73, қишлоқ аҳолиси эса 1,1 мартага кўпайди. Шу билан бирга республика ва унинг шаҳар ҳамда қишлоқ жойлари миқёсида аҳоли сонининг кўпайиш суръати турлича бўлди (12.1-жадвал).

12.1-жадвал маълумотларининг таҳлили 2006-2010 йиллар давомида жами аҳоли сонининг 2142,2 минг кишига ёки 8,1 % га кўпайганлигини кўрсатади. Бирок республиканинг шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли сонининг ўсиш суръатларини бир меъёрда кечмаган. Жумладан, 2010 йилда 2006 йилга нисбатан шаҳар аҳолиси сони 53,9 % га кўпайган бўлса, қишлоқ аҳолиси эса 17,8 % га камайган. Шу билан бирга, бу даврда жами аҳоли таркибида шаҳар аҳолисининг улуши 36,0 % дан 51,4 % га ортган, қишлоқ аҳолисиники эса 64,0 % дан 48,6 % гача камайган. Яъни мамлакатда аҳолининг урбанизация жараёни кучаймоқда. Қишлоқ аҳолиси сонининг камайганлиги эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 13 мартдаги 68-сонли қарорига кўра республикадаги 966 та қишлоқ пунктига шаҳарча мақоми берилганлиги билан изоҳланади.

12.1-жадвал


Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси (минг киши ҳисобида)⁵

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | 2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши | |
|-----------------|---------|---------|---------|---------|---------|---|-------|
| | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | +,- | % |
| Жами аҳоли сони | 26312,5 | 27072,2 | 27533,3 | 28001,4 | 28453,7 | 2141,2 | 108,1 |
| Шундан: | | | | | | | |
| Шаҳар аҳолиси | 9495,1 | 9584,6 | 9758,3 | 14327,8 | 14618,4 | 5123,3 | 153,9 |
| Қишлоқ аҳолиси | 16817,4 | 17487,6 | 17775,0 | 13673,6 | 13835,3 | -2982,1 | 82,2 |

Республикада аҳоли сонидagi ўзгаришлар унинг бевосита ёш таркиби билан боғлиқ. Ўзбекистон аҳолисининг ҳозирги ёш таркиби XX асрнинг 90-йилларида бошланган туғилиш даражасининг қисқаришига қарамай ёш ҳисобланади. Яъни, аҳоли таркибида 30 ёшгача бўлган ёшлар улуши 62,1% ни, 16 ёшгача бўлган болалар улуши – 33,3% ни, 16-29 ёшдагилар улуши – 28,8% ни ташкил этади⁶. Шу билан бирга, статистик маълумотлар таҳлили сўнгги йилларда 0-15 ёшдаги аҳоли мутлақ сонининг камаётганлигини кўрсатмоқда (12.3-расм.)

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // <http://www.stat.uz>.

⁶ Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – С.154-155.



12.3-расм. Ўзбекистонда аҳоли ёш таркибининг ўзгариши

2006-2010 йиллар давомида республикада аҳоли таркибида меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сони 235,4 минг кишига ёки 2,6 % га камайган. Бундай тенденцияни бу гуруҳнинг аҳоли таркибидаги улушида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, 2006 йилда меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли улуши 35,0 % ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 31,5 % га тенг бўлган. Мазкур ҳолат мустақиллик йиллари республикада туғилиш кўрсаткичининг камайганлиги билан изоҳланади. Жумладан, 1991 йили республикада туғилишнинг умумий коэффиценти 34,5 ‰ дан⁷ 2010 йили 23,2 % гача⁸ камайган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида йиллар давомида шаклланган кадриятлар, урф-одатларда ўзига хос ўзгаришлар рўй бераётганлиги, халқнинг муносиб турмуш шароитини яратишга интилиш, омма ўртасида ҳомиладорликдан сақловчи тиббий воситаларнинг кенг тарқалиши, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлигининг ортиши, ҳар бир оила ўз иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фарзандлар туғилишини назорат этиши каби омиллар туғилиш кўрсаткичининг пасайишига олиб келди.

2006-2010 йилларда меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони – 13,6 % га, меҳнатга қобилиятли ёшдан юқори бўлган аҳоли сони эса 16,0 % га ортган. Таҳлил натижалари меҳнатга қобилиятли ёшдан катта бўлган аҳоли сонининг меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сонига нисбатан юқори суръатда ўсганлигини кўрсатади. Бу ҳолат иккинчи жаҳон урушидан кейинги “демографик тўлдириш” даврида туғилган аҳолининг бугунги кунда кексалар гуруҳи қаторига қўшилиши билан изоҳланади.

Аҳолининг кексайиши жараёни Ўзбекистон учун ҳам хос бўлмоқда. Республикада кечаётган демографик жараёнларнинг замонавий тенденцияларининг таҳлили аҳолининг ёш таркибида болалар салмоғининг камайиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва қариялар салмоғининг ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида истиқболда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларида ҳам ўзига хос ўзгаришларнинг амалга оширилишини, аҳоли кексайишининг ҳудудий ва гендер жиҳатлари эътиборга олинган кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқишни талаб этади. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши демографик ривожланиш истиқболлини белгилашга боғлиқ. Шунинг ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг 2025 йилгача бўлган даврдаги узоқ муддатли демографик прогнози “ёшни силжитиш” усулидан фойдаланиб, амалга оширилди.

⁷ Демографический ежегодник Узбекистана 2003. – Ташкент, 2004, – С.127

⁸ Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2010. – Ташкент, 2011. – С.46

Истикболда демографик жараёнлар ва бу жараёнларнинг бориши билан боғлиқ юзага келадиган тенденциялар, биринчи навбатда, репродуктив ёшдаги аёллар сонининг истикбол кўрсаткичларига боғлиқ (12.2-жадвал).

12.2-жадвал

Ўзбекистонда репродуктив ёшдаги аёллар сонининг истикбол кўрсаткичлари (минг киши ҳисобида)

| Йиллар | Репродуктив ёшдаги аёлларнинг ёш гуруҳлари бўйича сони | | | | | | | |
|-----------------------------------|--|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| | 15-19 | 20-24 | 25-29 | 30-34 | 35-39 | 40-44 | 45-49 | 15-49 |
| 2011 | 157,3 | 156,0 | 137,2 | 110,9 | 98,0 | 86,2 | 82,8 | 828,4 |
| 2012 | 153,4 | 157,6 | 143,5 | 114,6 | 99,6 | 88,8 | 82,6 | 840,1 |
| 2013 | 148,5 | 158,3 | 148,7 | 119,1 | 101,4 | 91,0 | 82,7 | 849,7 |
| 2014 | 143,3 | 158,7 | 151,9 | 123,9 | 104,2 | 93,2 | 82,9 | 858,1 |
| 2015 | 137,6 | 158,7 | 153,6 | 129,7 | 107,2 | 95,3 | 83,4 | 865,5 |
| 2016 | 131,5 | 156,8 | 155,3 | 136,4 | 110,1 | 97,1 | 85,2 | 872,4 |
| 2017 | 127,0 | 153,0 | 156,9 | 142,6 | 113,8 | 98,7 | 87,7 | 879,7 |
| 2018 | 124,3 | 148,1 | 157,6 | 147,8 | 118,2 | 100,5 | 90,0 | 886,5 |
| 2019 | 123,1 | 142,9 | 158,0 | 151,0 | 123,0 | 103,3 | 92,1 | 893,4 |
| 2020 | 129,2 | 137,2 | 158,0 | 152,7 | 128,8 | 106,3 | 94,2 | 906,4 |
| 2021 | 137,0 | 131,1 | 156,1 | 154,4 | 135,4 | 109,1 | 96,0 | 919,1 |
| 2022 | 145,6 | 126,7 | 152,3 | 156,1 | 141,6 | 112,8 | 97,6 | 932,7 |
| 2023 | 154,8 | 123,9 | 147,4 | 156,7 | 146,8 | 117,2 | 99,3 | 946,1 |
| 2024 | 164,3 | 122,8 | 142,3 | 157,0 | 150,0 | 121,9 | 102,1 | 960,4 |
| 2025 | 167,6 | 128,8 | 136,6 | 157,1 | 151,6 | 127,7 | 105,1 | 974,5 |
| 2025 йилда 2011 йилга нисбатан, % | 106,5 | 82,5 | 99,5 | 141,6 | 154,7 | 148,1 | 126,9 | 117,6 |

12.2-жадвалдан кўришиб турибдики, 2011 йилдан бошлаб республикада 15-19 ёш гуруҳидаги аёлларнинг сони кескин камая бошлайди. Сўнгра бу тенденция 2016 йилдан аҳолининг 20-24 ёш гуруҳига, 2021 йилдан эса 25-29 ёш гуруҳига ўтади. Бу тенденция республикада 1996 йилдан бошланган туғилиш даражаси кескин камайган даврда туғилган аҳолининг 15-19 ёш гуруҳига кириши билан изоҳланади. Туғилиш даражаси юқори бўлган 1980-1995 йилларда туғилган аҳоли когортасининг 30-34, 35-39, 40-44, 45-49 ёш гуруҳларига ўтиши ҳисобига бу ёш гуруҳларидаги аёлларнинг сони мунтазам ортиб боради. Хусусан, 2025 йилда 2011 йилга нисбатан 30-34 ёш гуруҳидаги аёллар сонининг 41,6 %га, 35-39 ёшдагиларнинг – 54,7, 40-44 ёшдагиларнинг – 48,1, 45-49 ёшдагиларнинг эса 26,7 %га ўсиши кутилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, 1987-1991 йилларда туғилиш даражаси юқори бўлган даврда туғилган аҳолининг 2002 йилда 15-19 ёш гуруҳига ўтиши натижасида республикада туғилиш даражасининг бирмунча ортганлиги ҳисобига шу йилларда туғилган аҳолининг 2020 йилда 15-19 ёш гуруҳига, 2025 йилда эса 20-24 ёш гуруҳига ўтиши бу ёш гуруҳидаги аёллар сонининг ортишига олиб келади.

Аҳолининг кексайиши туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикасида рўй берадиган такрорланмас ўзгаришлар оқибатидир (12.3-жадвал).

12.3-жадвал

Ўзбекистонда туғилиш ва ўлим коэффициентларининг истикбол кўрсаткичлари (% ҳисобида)

| Йиллар | Демографик кўрсаткичлар (1000 киши ҳисобида) | | | | | |
|---|---|------|---------------|------|----------------|------|
| | Жами аҳоли | | Шаҳар аҳолиси | | Қишлоқ аҳолиси | |
| | туғилиш | ўлим | туғилиш | ўлим | Туғилиш | ўлим |
| 2011 | 21,0 | 5,5 | 17,6 | 6,7 | 23,2 | 4,8 |
| 2015 | 21,9 | 5,7 | 18,8 | 7,0 | 24,8 | 4,9 |
| 2020 | 20,5 | 6,4 | 17,9 | 7,4 | 23,2 | 5,2 |
| 2025 | 19,2 | 7,2 | 17,3 | 8,5 | 21,9 | 6,0 |
| 2025 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши (+,-) | -1,8 | 1,7 | -0,3 | 1,8 | -1,3 | 1,2 |

Прогноз қилинаётган даврда жами аҳолида, шу жумладан шаҳар ва қишлоқ аҳолисида ҳам туғилишнинг умумий коэффициентининг 2011-2025 йиллар давомида нисбатан камайиши ва бу тенденция барқарор бўлмаслиги кутилади. Хусусан, 2011-2015 йиллар давомида жами аҳолида туғилишнинг умумий коэффициенти 0,9 пунктга кўпайиши ва 2015-2025 йилларда 2,7 пунктга камайиши кутилади. Республика ва унинг ҳудудларида 2015 йилгача бўлган даврда туғилиш кўрсаткичининг ортиши туғиш ёшидаги аёллар мутлақ сонининг нисбатан барқарор ўсиши ҳамда узоқ давр мобайнида туғилиш кўрсаткичининг нисбатан юқори бўлганлиги ҳисобига таъминланади. 2015 йилдан кейинги даврда туғилиш коэффициентининг бирмунча камайиши эса 1991-2000 йиллардаги туғилишнинг паст даврида туғилган аҳолининг асосий репродуктив ёшга (20-24, 25-29 ёш) кириши билан боғлиқдир.

Ҳисоб-китобларга қараганда, прогноз қилинаётган давр охиригача Ўзбекистонда ўлимнинг умумий коэффициентининг мунтазам ортиб бориши кутилади. Агар 2011-2025 йилларда республикада ўлимнинг умумий коэффициенти 1,7 пунктга кўпайса, шаҳар аҳолисида бу кўрсаткич – 1,8, қишлоқ аҳолисида эса 1,2 пунктга ортади. Бундай ҳолат мамлакат аҳолиси ёш таркибида нисбатнинг кекса ёш гуруҳига томон силжиши билан изоҳланади. Маълумки, қарияларда ўлим кўрсаткичи юқори ва бу ўз навбатида аҳоли ўртасида ўлим кўрсаткичининг кўпайишига олиб келади.

Асосий демографик жараёнларга хос бўлган юқоридида кўрилган тенденциялар аҳоли ёш таркибига таъсир этади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда республика аҳолиси ёш таркибининг 2025 йилгача бўлган истиқбол аниқланди (12.4-жадвал).

12.4-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли ёш таркибининг истиқбол кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | Бирлик | Йиллар | | | 2025 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши | |
|--|-----------|---------|---------|---------|---|-------|
| | | 2015 | 2020 | 2025 | +,- | % |
| Жами аҳоли сони | минг киши | 30189,6 | 32346,5 | 34390,7 | 401,1 | 113,9 |
| | фоиз | 100,0 | 100,0 | 100,0 | - | - |
| Меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сони (0-15 ёш) | минг киши | 9841,8 | 9995,0 | 9835,7 | -6,1 | 99,9 |
| | фоиз | 32,6 | 30,9 | 28,6 | -4,0 | - |
| Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони (16-54 ёшдаги аёллар, 16-59 ёшдаги эркаклар) | минг киши | 17842,0 | 19440,2 | 21012,7 | 3170,7 | 117,7 |
| | фоиз | 59,1 | 60,1 | 61,1 | 2,0 | - |
| Меҳнатга қобилиятли ёшдан юқори бўлган аҳоли сони (55 ва ундан юқори ёшдаги аёллар, 60 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар) | минг киши | 2505,8 | 2911,3 | 3542,3 | 1036,5 | 141,3 |
| | фоиз | 8,3 | 9,0 | 10,3 | 2,0 | - |

Прогноз қилинаётган даврда республикада жами аҳоли сони 13,9 фоизга кўпаяди ва 2025 йилга бориб 34390,7 минг кишини ташкил қилиши кутилади. Бу давр мобайнида аҳоли таркибида меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сонининг 0,1 фоизга камайиши, аксинча меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сонининг 17,7, меҳнатга қобилиятли ёшдан каата бўлган аҳоли сонининг 41,3 фоизга кўпайиши кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар таҳлили асосида шундай хулоса қилиш мумкин, болалар сони мунтазам камайиб, аксинча меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва ундан катта бўлган аҳоли сони ортиб боради. Бу ўз навбатида республиканинг барча ҳудудларида аҳолининг “қуйидан” қариш жараёнининг ривожланаётганлигидан далолат беради.

Маълумотларга кўра, 1991-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг қариш индекси 6,1 пунктга кўпайган. Албатта, кўрилатган даврнинг турли ораликларида ҳудудлар миқёсида аҳолининг қариш индексининг кўпайиш суръати турлича бўлган. Жумладан, 1991-1995 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида аҳолининг қариш индекси – 0,8, Тошкентда – 0,1, Навоий ва Хоразм вилоятларида – 0,6, Тошкент шаҳрида – 2,2 пунктга ўсган бўлса, бу кўрсаткич Андижонда – 0,3, Самарқандда – 0,8, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида – 0,2 пунктга камайган. Демак, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент, Навоий, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида аҳолининг кексайиш жараёни 1991 йилдан бошланган ва бу бу тенденция 2000-2010 йилларда республиканинг барча ҳудудларига улар аҳолисининг ёш таркибида болалар мутлақ сонининг қисқариши ҳисобига қариш индекси кўрсаткичи ортиши билан ёйилди.

Ҳисоблаб чиқилган аҳолининг қариш индексига асосланган ҳолда ҳудудлар аҳолисининг кексайиш даражасини жаҳонда қабул қилинган демографик мезонга кўра уч гуруҳга ажратилди:

- биринчи гуруҳга – аҳолиси нисбатан суст кексаяётган ҳудудлар (20,0 % дан кам): Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари;
- иккинчи гуруҳга – аҳолиси ўртача даражада кексаяётган вилоятлар (20,0-30,0%): Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари;
- учинчи гуруҳга – аҳолисининг кексайиши юқори даражада бўлган ҳудудлар (30,0 % дан баланд): Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти киритилди.

Юқорида қилинган таҳлилларга асосланган ҳолда шуни айтиш керакки, аҳолиси нисбатан суст кексаяётган вилоятларда ҳам аҳолининг қариш индекси кўтарилиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида яқин келажакда республикамизнинг барча ҳудудларида ҳам аҳолининг кексайиш даражаси ривожланишини кўрсатади.

Ўз навбатида, аҳолининг кексайиши мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ривожланишига ўз таъсирини ўтказди ҳамда бу жараён қуйидаги қатор ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади.

Биринчидан, кексалар улушининг ортиши аҳолининг иқтисодий фаоллигини пасайтиради. Одамнинг ёши қанча катта бўлса, маҳсулдорлиги шунчалик паст бўлади.

Иккинчидан, аҳолининг кексайиши иқтисодиётда ёшлар улуши камайишини англатади. Бу эса иш билан банд аҳолини касб-малака ва тармоқ таркибининг ўзгариши жараёни ва бинобарин иқтисодиётнинг самарадорлиги ошишини секинлаштиради.

Учинчидан, пенсия жамғармаси зиммасига пенсиялар тўлаш харажатларининг бениҳоя оғир юки тушади. Зеро, пенсионерлар улушининг кўпайиши билан бир йўла пенсия жамғармаларига маблағ тўлаб борадиган меҳнатга қобилиятли аҳоли салмоғи қисқаради.

Тўртинчидан, кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш учун қўшимча маблағ сарфлаш, геронтологик муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бутун соғлиқни сақлаш тизимини сифатли тарзда қайта қуришни талаб қилади.

Бешинчидан, ҳали ишлашни истайдиган “ёш қариялар”ни иш билан таъминлаш лозим. Бу осон вазифа эмас, чунки пенсия ёшига етмаганларга ҳам иш ўринлари етишмайди.

Олтинчидан, аҳолининг кексайиши моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибига таъсир кўрсатади, яъни аҳоли бу гуруҳининг талаб-эҳтиёжларига

мувофиқ равишда товар ва хизматлар ассортименти ўзгартиришга тўғри келади. Баъзи технологик операцияларни ҳам ўзгартириш, машина ва ускуналарни ходимларнинг ёш хусусиятларига мослаштириш керак. Транспорт воситалари ҳам кексаларнинг талабларига монанд бўлиши лозим.

Аҳолининг кексайиши шароитида қарияларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилаш;
 - нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан қарияларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражасини янада кучайтириш;
 - Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида гериатрик марказ ва республиканинг барча туман ва шаҳарларида шу марказнинг бўлимларини очиш ҳамда улар томонидан аҳолининг шу категориясига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларини кўпайтириш;
 - бакалаврият ва магистратура йўналишлари классификаторига “Геронтология”, “Гериатрия” ихтисосликлари, тиббиёт коллежларига “Патронаж ҳамшираси”, “Ижтимоий ходим” ихтисосликларини киритиш бўйича давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритиш ва шу ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;
 - барча маҳаллаларда қариялар учун мўлжалланган кундузги мулоқотда бўлиш ва ҳордиқ чиқариш жамоатчилик марказларини кўпайтириш;
- ёлғиз кексаларга ўз уйида ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш.